



# BUXORO DAVLAT UNIVERSITETINING PEDAGOGIKA INSTITUTI



PEDAGOGIKA, PSIXOLOGIYA VA TEXNOLOGIK TA'LIM KAFEDRASI

## UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMIDA TA'LIM MAZMUNINI YANADA TAKOMILLASHTIRISH ISTIQBOLLARI **MUAMMO VA YECHIMLAR**

**RESPUBLIKA ILMIY-NAZARIY ANJUMANI  
2022-YIL, 25-APREL**



**BUXORO DAVLAT  
UNIVERSITETINING  
PEDAGOGIKA INSTITUTI**



*PEDAGOGIKA, PSIXOLOGIYA VA TEXNOLOGIK TA'LIM  
KAFEDRASI*

**UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMIDA TA'LIM  
MAZMUNINI YANADA  
TAKOMILLASHTIRISH  
ISTIQBOLLARI: MUAMMO VA  
YECHIMLAR**

**RESPUBLIKA ILMIY-NAZARIY ANJUMANI**

**2022-yil, 25-aprel**

**BUXORO - 2022  
«DURDONA» NASHRIYOTI**



Uzluksiz ta'lim tizimida ta'lim mazmunini yanada takomillashtirish istiqbollari: muammo va yechimlar [Matn]: maqola va tezislar to'plami. 772 bet.

**MAS'UL MUHARRIR:**

Izbullayeva G.V. – p.f.f.d. (PhD), dotsent

**TAQRIZCHILAR:**

Abdullayev M.J. – Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti Jismoniy madaniyat nazariyasi va uslubiyoti kafedrası mudiri, p.f.f.d.(PhD), professor.

Sharipov A.Z. – Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti Ijtimoiy fanlar kafedrası mudiri, f.f.d., dotsent.

**TO'PLOVCHI VA NASHRGA TAYYORLOVCHILAR:**

Umedjanova M.L. – o'qituvchi

Shernazarov Z.Z. – o'qituvchi

Sobirova M.R. – BuxDUPI Pedagogika va psixologiya mutaxassisligi magistranti

Ushbu ilmiy-nazariy anjumanning ilmiy maqola va tezislari to'plamida ilm-fan va ta'lim tizimidagi keng ko'lamli islohotlar, uzluksiz ta'lim tizimida ta'lim mazmunini yanada takomillashtirish istiqbollari: muammo va yechimlar borasida fikr va tajriba almashish, sohada amalga oshirilayotgan islohotlarni tahlil qilish, tadqiq etishga qaratilgan takliflarni qamrab oluvchi ilmiy, nazariy va uslubiy tavsiyalarni ishlab chiqilgan.

Mazkur to'plamda kiritilgan maqolalar va tezislarning mazmuni, statistik ma'lumotlar, bildirilgan fikr hamda mulohazalarga mualliflarning o'zlari mas'uldirlar.

Шу нуқтаи назардан ҳам 2021 йилнинг 24 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги очик танлов эълон қилиб хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда трансформация қилишга даъвогар ОТМларни ушбу тадбирда қатнашишга таклиф этди.

Танлов шартларига кўра профессор-ўқитувчиларнинг илмий фаолияти, ўқув жараёни сифати, халқаро ОТМлар билан ҳамкорлик ва ўқув жараёнини рақамлаштирганлик ҳолатлари ўрганиб чиқилиши белгиланган. Шу билан бирга даъвогар ОТМлар трансформация бўйича ҳамкор ОТМ билан келишувга эришган бўлиши лозим.

Ушбу пилот лойиҳанинг муваффақиятли амалга ошиши Ўзбекистондаги барча давлат ОТМларини келгусида трансформация қилиш учун замин ҳозирлайди.

## **ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**В.С.Ядгарова**

*Бухоро давлат университети мустақил-изланувчиси*

Бугунги кунда мамлакатимизда профессионал таълим тизими шаклан ва мазмунан ислоҳ қилинди, унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштирилди, шу билан бир қаторда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия мазмуни, шакл ва усуллари самарадорлигини ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, профессионал таълим тизими дунёда тез ривожланаётган бир даврда битирувчиларни халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, ижтимоий онги ҳамда дунёқараши даражасини ошириш, соғлом тафаккурли баркамол авлодни шакллантириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда профессионал таълим мақсади ва вазифаларига мувофиқ, унинг мазмунини такомиллаштириш, ривожлантириш ва янгилашдан кутилаётган натижалар



битирувчининг қуйидаги асосий компетенциялари шаклида белгиланади: қадриятга йўналтирилган, коммуникатив, ахборот-технологик компетенциялар, шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясиларидир. Профессионал таълим мазмунини янгилаш битирувчиларининг таълим дастурлари доирасида олган билим ва кўникмаларини меҳнат бозорида иш берувчилар талаб қиладиган кўникмаларга мувофиқлигини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Профессионал таълим мазмунини янгилаш, аввало, замонавий таълимда компетенцияларга асосланган таълимни жорий қилиш, бу профессионал таълимнинг анъанавий когнитив йўналишларини енгиб ўтишга, таълим мазмунининг ўзини, ўқитиш усуллари ва технологияларини замонавий тарзда янгилашга олиб келади.

Профессионал таълим мазмунини янгилашда қуйидаги йўналишлари устивор бўлиши керак:

1. Профессионал таълим стандартларида, ўқув жараёнини ташкил этиш шаклларида, унинг услуб ва воситаларида компетенцияга асосланган ёндашувни амалга ошириш;

2. Профессионал таълим мазмунини модулли қуриш, кредит тизимини жорий этиш;

3. Профессионал таълим дастурларида умумий таълим компонентларини мустаҳкамлаш;

4. Касб-хунар мактабларида кенг профилли мутахассисларни тайёрлашга эришиш;

5. Илмий-таълим ва ишлаб чиқариш-ўқув комплексларини ривожлантириш;

6. Профессионал таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, фан билан алоқаларни ривожлантириш;

7. Ўқувчиларнинг мустақил таълим фаолияти родини кучайтириш, ўқувчининг касбий таълим траекторияларини танлаш эркинлигини ривожлантириш;

8. Ўқувчиларнинг касбий кўникмаларини шакллантиришни уларнинг амалий касбий эҳтиёжлари ва қадриятли йўналишлари билан боғлаш;

9. Асосий компетенцияларни ривожлантириш\_- бу ҳар қандай касбий фаолият турини амалга ошириш учун умумий бўлган ўқувчи компетенцияларини ўзлаштириш;

10. Асосий компетенцияларга ўргатиш:

А) компьютерда ишлаш, чет тилларини билиш, маълумотлар базалари ва маълумотлар базаларидан фойдаланишни;

Б) экология, иқтисод ва бизнес билимлари, молиявий билимлар, технологияларни узатиш кўникмалари, маркетинг ва сотиш кўникмаларини;

В) ҳуқуқий билимлар, патент ва лицензиялаш соҳаси, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш қобилияти, турли мулкчилик шаклидаги корхоналар фаолиятининг меъёрий шартларини билиш, технологиялар ва маҳсулотларни тақдим этиш қобилиятини шакллантириш.

11. Таълимий қобилиятларни ривожлантириш:

А) Ўқувчининг тайёргарлиги, ўқув ва касбий фаолиятни ўз-ўзини ташкил этиш кўникмаларини ривожлантириш, тегишли маълумотларни излаш, фаолиятнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш;

Б) Интегратив фаолиятнинг тактикаси ва стратегияси даражасида компетенцияларни шакллантириш;

В) Шахснинг супраситуацион ва ижодий фаолиятини ривожлантириш.

12. Битирувчиларнинг умумий ва махсус касбий компетенцияларни аниқлаш;

13. Ўқув режаларини янгилаш, ўқитиш дастурлари янгидан ишлаб чиқиш;

14. Битирувчининг компетентлигини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш.

Битирувчиларнинг меҳнат бозори талабларига жавоб бера олишини диагностика қилиш учун баҳолашнинг самарали тизимини яратиш мақсадида профессионал таълим бутун парадигмасини ўзгартиришни амалга ошириш керак бўлади: ўқитиш, баҳолаш усулларини, ўқитувчи ролини ўзгартириш орқали сифатни таъминлаш, урғуни ўқув натижаларига йўналтириш. Ўқув натижаларини компетенциялар нуқтаи атамалари доирасида

белгилаш профессионал таълим тизимлари, дастур структуралари ва мазмуни қиёсланишига эришишга ёрдам беради.

Профессионал таълим мазмунини янгилаш жараёнида инструментал, шахслараро ва тизимли турларни ўз ичига олган умумий компетенциялар мажмуаси ишлаб чиқилади. Профессионал таълим мазмунини янгилаш учун таълим муассасаларида блок-модулли ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш жуда муҳим ҳисобланади.

Профессионал таълим мазмунини ўзгариши ўқув жараёнининг асоси бўлиб, фаолият тўғрисидаги маълумотлар ва озгина фаолият эмас, балки маълумотларга асосланган фаолият бўлиб бормоқда. Бунда таълимнинг мазмуни сифатида ижтимоий-маданий контекст ҳам фаолият кучаймоқда, чунки, ўқитувчилар ва ўқувчилар, ўқувчиларнинг бир-бири билан ўзаро таъсири шаклидаги ўзгаришлар, анъанавий таълим шакллари ўрнига фаол ўқитиш шаклларининг кириб келиши, яъни дидактик ўйинлар, муайян вазиятлар таҳлили, ролларни ўйнаш, мунозаралар турлари, тренинглар ва бошқалар. Шу билан бир қаторда, таълим жараёнининг психологик жиҳати ўзгариб бормоқда, яъни ўқитиш мақсади, мазмуни ва шаклининг ўзгариши ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқот характерига, уларнинг ўзаро таъсири муҳитига сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳамкорлик, ҳаракатлардаги шахсларнинг тенглиги, танловдаги масъулият, ижобий ҳиссий муносабатларнинг устувор жиҳатига айланиб бормоқда.

Профессионал таълим мазмуни илғор бўлиши, илм-фан, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш техникасида содир бўлаётган динамик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда доимий равишда янгиланиб турилиши ва энг янги технологиялардан фойдаланилиши лозим.

Профессионал таълим муассасасида таълимнинг мазмуни ва ўқув жараёнини ташкил этиш давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган ва профессионал таълим бошқарув органи томонидан тавсия этилган намунавий ўқув режалари, дастурларнинг мазмунини ҳисобга олинган ҳолда таълим муассасаси томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилган ўқув режалари, дастурлар билан тартибга солинади.



Таълим жараёни назарий машғулотларни, ишлаб чиқариш таълимини, ишлаб чиқариш амалиётини, ўқувчилар билан тарбиявий ишларни ўз ичига олади.

**Ишлаб чиқариш таълими** - профессионал таълим муассасаларининг ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарида, лабораторияларида, полигонларида, ўқув хўжаликларида, шунингдек корхоналар цехларида, ўқув майдончаларида, далалар, фермаларида, қурилиш ва бошқа объектларда амалга оширилади.

**Ишлаб чиқариш амалиёти** - одатда, ишчилар ва мутахассисларни тайёрлаш учун буюртма берган корхоналар, ташкилотлар, фермер хўжаликларида, мустақил иш жойларида ва штат лавозимларида амалга оширилади. Амалиётни ташкил этиш тартиби икки томонлама келишув билан белгиланади.

Ўқитиш босқичлари буюртмачининг кадрларни тайёрлаш бўйича конкрет шартлари ва талабларига боғлиқ бўлади. Ўқитишнинг ҳар бир босқичи касбий тўлиқликка эга ва битирувчига мутахассислик бўйича тегишли малакани бериш ва тегишли хужжатни расмийлаштирилади.

Профессионал таълимда таълим мазмунини такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- базавий касбий, тўлиқ базавий касбий ва олий профессионал таълим дастурларининг узлуксизлигини таъминлаш;
- битирувчиларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш ва тарбиялаш;
- ўқув режалари ва таълим дастурларининг мазмунини такомиллаштириш;
- битирувчилар тайёрлашда меҳнат бозори талабларини қатъий белгилаш;
- халқаро тажрибалар асосида таълим дастурларини ишлаб чиқиш;
- халқаро талаблар асосида назорат ва ўлчов материаллари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;
- таълим дастурларини халқаро стандартга мувофиқ амалга оширадиган ўқув жараёнини ташкил этиш;
- битирувчиларни якуний имтиҳонда ишлаб чиқариш корхоналари талаблари асосида ташкил этиш;
- профессионал таълим тизимида таълим сифатини

мониторинг қилиш тизимини яратиш;

- профессионал таълим тизимида методик хизматлар фаолиятини такомиллаштириш;

- профессионал таълим муассасалари педагог ходимлари ва маъмурий-бошқарув ходимларини аттестациядан ўтказиш;

- профессионал таълим тизими ходимларини тайёрлаш, касбий қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1.А.В.Хуторской. Образовательные компетенции и методология дидактики. 22.09.2016 г.

2.Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. – М.: Высш.шк, 1990.-119 с. 3.

3.Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш. – Т.: Фан нашриёти, 2004. – 130 б.

4.Rodman, K., & Godnov, U. Social responsibility in ISO 9000 group of standards for quality management systems. Paper presented at the Social Responsibility, Professional Ethics, and Management, Proceedings of the 11th International Conference, Ankara, Turkey. 2010, November. page-87-107

5. Karapetrovic S. and Willborn W. The system's view for clarification of quality vocabulary, Int. J. Quality and Reliability Management, 15(1), pp. 99±120 (1998).

6. International Workshop Agreement. Quality Management Systems – Guidelines for the application of ISO 9001:2000 in education. IWA 2:2007(E). ISO copyright office .Switzerland. 200.

## СЎЗ СЕМАНТИКАСИДА ДЕНОТАТИВ ВА КОННОТАТИВ МАЪНО ФАРҚЛАРИ

**Муртазоев О.Н.** (талаба)

*Бухоро давлат университети*

**Калит сўзлар:** денотация, коннотация, коммуникатив, экспрессив, ингерент, адгерент, услубий, эмотив баҳолаш, прагматик маъно.

**Аннотация.** Ушбу мақолада сўз семантикасида денотатив (аташ) ҳамда коннотатив (қўшимча) маъноларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги қиёсий таҳлили масалалари ёритилган.

Тил номинатив, коммуникатив ва экспрессив функцияларни бажара оладиган восита эканлиги, тилнинг ички дуализми – унинг, бир томондан, объектив борлиқни акс эттирувчи тафаккурнинг формаси, иккинчи томондан, ҳар бир элементнинг моҳияти шу элементнинг бошқа элементлар билан бўлган ички